

«GRAND TA'LIM»да Шайх Алижон қори билан фазилатли учрашув



10:05 / 21.08.2019 7226

Муассасамизда куни кеча 20 август куни дунёнинг йирик олимлари, Қуръони карим ва 10 та қироат соҳибларидан таҳсил олган серғайрат олим, мударрис, Шайх Алижон қори билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда таълим муассасасининг устоз ва ходимлари иштирок этишди.

Ушбу тадбирда маърузачи Алижон қори илмнинг фазилати, талабаларга таълим беришда эътиборли жиҳатлар ва устозларнинг фазилати ҳақида суҳбат қилиб берди. Суҳбат сўнгида Қуръон ҳофизи Алижон қорига учрашувга ташриф буюргани учун маъмурият ва иштирокчилар томонидан ташаккур билдирилди.

P.S. Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ўғли Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Бойларовул қишлоғида таваллуд топган.

1998 йил Ал-Азҳарнинг эъдодия бўлимини тамомлаган.

2001 йилда Ал-Азҳарнинг Санавия бўлимини тамомлаган.

2002 йилдан 2007 йилгача Ал-Азҳар Университетининг шариат ва қонун куллийетининг шариати исломия қисмини тамомлаган.

2008-йилдан 2012-йилгача Аҳмад Ийсо Ал-Маъсоровий номидаги Улумул-Қуръон ва қироат илмларига хосланган илм даргоҳида ўқиб, ҳозирда Ал-Азҳар университетининг даъват факультетининг 4-босқич талабасидир.

Маълумот ўнида устоз Алижон қорининг илмий фаолиятлари ёритиб бориладиган телеграмдаги «Қуръон аҳлига тухфа» ва «Алқурануз» расмий каналлари мавжуд.





Islom.uz портали таҳририяти